

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

Тарих ва Жамият илмий журнали
ҲАМКОРЛИКНИНГ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ
(Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари мисолида)

Жумаев Жўрабек - Тарих ва уни ўқитиш
методикаси кафедраси стажёр ўқитувчиси
Ражабов Аброр – ЖДПИ, Тарих факультети
2 курс талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада кейинги йилларида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётганлиги ва уни тубдан кенгайтириш борасида ўзаро хайрли ва қатъий ишлар амалга оширилаётганлиги, шунингдек иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга чиқаётганлиги хусусидаги муаллифнинг фикр-мулоҳазалари баён қилинган.

Аннотация. В статье изложены авторские взгляды на динамичное развитие отношений между Узбекистаном и Казахстаном в последние годы и взаимовыгодную и целеустремленную работу по их радикальному расширению, а также качественно новый уровень сотрудничества между двумя странами.

Annotation. This article describes the author's views on the rapid development of relations between Uzbekistan and Kazakhstan in recent years and the mutually beneficial and determined work on its radical expansion, as well as the qualitatively new level of cooperation between the two countries.

Калит сўзлар: геосиёсат, минтақа, макон, БМТ, Марказий Осиё, МДҲ, ШҲТ, стратегия, Президент, Спикер, транспорт, коммуникация, диверсификация.

Ключевые слова: геополитика, регион, пространство, ООН, Центральная Азия, СНГ, ШОС, стратегия, президент, спикер, транспорт, связь, диверсификация.

Keywords: geopolitics, region, space, UN, Central Asia, CIS, SCO, strategy, President, Speaker, transport, communication, diversification.

Яқин ва узок ўтмишимиздан бизга маълумки, Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий макондир. Минтақада истиқомат қилаётган халқларни умумий маънавий қадриятлар ва ўтмиш, ўхшаш миллий анъана ва урф-одатлар, асрлар давомида шаклланган менталитет бирлаштириб туради. Ушбу муштараклик минтақавий ҳамкорлик учун мустаҳкам ва ишончли пойдевордир.

Қадимдан тарихи ва тақдири, диний эътиқоди ва турмуш тарзи бир бўлган, этник жиҳатдан яқин қон-қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини

Тарих ва Жамият илмий журнали

мустақиллик даврида жадал ривожлантириш ва тубдан кенгайтириш борасидаги ўзаро хайрли ва қатъий ишлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган истиқлол йўлимизни назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкилотига 1991 йилнинг декабрида аъзо бўлди ва унинг амалий фаолиятида фаол қатнашиб келмоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди [1].

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан то бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг БМТ юксак минбаридан баён этилган ташаббусларига жаҳон ҳамжамияти доимо катта қизиқиш билан қараб, унинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Маълумки, мустақилликнинг илк кунларидан буён Қозоғистон ва Ўзбекистон елкама-елка қўл тутиб, мураккаб даврларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, бир-бирининг муваффақиятларидан қувониб келмоқда [2].

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик Стратегиясининг изчил амалга оширилиши икки мамлакат стратегик манфаатларининг муштараклиги асосида иқтисодий соҳадаги ўзаро фойдали ва самарали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2017 йил 22 март куни давлат ташрифи билан Остона шаҳрига ташриф буюрган эди.

Оқўрда қароргоҳида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президентларнинг мазкур тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади [3].

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида томонлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, мамлакатларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шуниси эътиборлики, мамлакатлар ҳамкорлиги 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2017 йилда Тошкентда имзоланган

Тарих ва Жамият илмий журнали

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида жадал тараққий этмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон сиёсий масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки томонлама асосда ҳамда БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг қараш ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир.

Бундан бир неча йил олдин, 2019 йилнинг 14-15 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевни Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани муносабати билан самимий табриклади ҳамда Қозоғистоннинг замонавий тараққиётига ва хорижий давлатлар билан кўп томонлама алоқаларининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган давлат арбоби ва халқаро миқёсдаги сиёсатчи сифатида унинг катта тажрибага алоқаларининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган давлат арбоби ва халқаро миқёсдаги сиёсатчи сифатида унинг катта тажрибага эга эканлигини қайд этди. Давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги қардошлик алоқалари ва стратегик шерикликни, шу жумладан, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришда Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти- Элбоши Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг муҳим ролини алоҳида таъкидладилар [4].

Шу ўринда, Президент Қ.Тоқаев Президент Ш.Мирзиёевга Қозоғистон олиб бораётган ўзбек-қозоқ муносабатларини ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсий курснинг давомийлигини таъминлашга қатъий эканлигини таъкидлади.

Музокаралар давомида президентлар анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик руҳида икки томонлама муносабатлардаги асосий масалалар, томонларни қизиқтирадиган долзарб минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги чуқур тарихий ва маънавий алоқаларга, аҳил кўшничилик ва ўзаро қўлла-қувватлашга асосланган яқин ва мустаҳкам дўстлик муносабатларининг кенгайиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш икки қардош халқнинг манфаатларига мос келишига ишонч билдирдилар.

Суверен республикалар раҳбарлари ўзаро савдодаги ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этиб, икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини 2020

Тарих ва Жамият илмий журнали

йил якунига қадар 5 млрд. долларга етказишни, унинг тузилмасини диверсификация қилишни, шунингдек, иқтисодий кооперация ва инвестициявий ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли шакларининг, шу жумладан, минтақавий ҳамкорликнинг ривожланишини таъминлашга интилишда яқдил эканликларини билдирдилар.

Шунингдек, Президентлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия фаолиятини такомиллаштириш ва фаоллаштириш, шунингдек, икки мамлакат ҳукумат раҳбарларини Комиссиянинг ҳамраислари этиб тайинлаш орқали унинг мақомини ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсатдаги томонларни қизиқтирган муҳим масалалар бўйича позицияларининг ўхшашлигини тасдиқладилар ҳамда халқлар фаровонлиги ва Марказий Осиёнинг равнақи йўлида барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлашга ўзаро интилишларини таъкидладилар. Ттомонлар ШХТ, МДХ, Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Одилжон Тожиев бошчилигидаги парламент делегацияси Қозоғистон Республикасининг Нур-Султон шаҳрида бўлиб, “Элбоши. Мустақиллик. Парламент” мавзuida ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги, парламентининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари О. Тожиев сўзга чиқиб, мамлакат халқини ҳамда конференция иштирокчиларини Элбоши куни ҳамда Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклади.

Спикер ўринбосари сўнгги йилларда Ўзбекистон-Қозоғистон парламентлараро алоқалари сезиларли даражада фаоллашиб, бу борадаги ҳамкорлик тобора юксалиб бораётганлигини таъкидлади. Ўз навбатида, ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги илиқ ва дўстона муносабатлар парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида замин яратаётганини қайд этди.

Халқаро конференция доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари О. Тожиев Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Н. Нигматулин билан учрашди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон дипломатиясида барча даражадаги музокаралар жараёнида сиёсий ва иқтисодий йўналишни ҳар томонлама ривожлантириш асосий ўринда туради. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг позицияси бир-бирига ўхшаш. Айниқса, кейинги вақтларда Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг сиёсий иродаси ва ўзаро интилишлари туфайли дўстлик, яхши

Тарих ва Жамият илмий журнали

қўшничилик ва стратегик шерикчилик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида чинакам амалий натижаларга эришилмоқда.

Адабиётлар:

1. МИД РУз // Цели и задачи внешнеполитического курса Узбекистана.
[http: www/mfa.uz](http://www/mfa.uz).
2. “Халқ сўзи”, 2019 йил 14 апрель, №75-сон.
3. <http://www.uzavtoyul.uz/uz/post/prezident-shavkat-mirziyoyevning-qozogistondagi-davlat-tashrifi.html>
4. [http:// uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-qozog-iston-diplomatik-munosabatlar-o-rnatilganl-31-10-2017](http://uza.uz/uz/politics/o-zbekiston-qozog-iston-diplomatik-munosabatlar-o-rnatilganl-31-10-2017).
5. [О‘zbekiston — Qozog‘iston: parlamentlararo aloqalar yanada mustahkamlanadi - Xalq so'zi \(xs.uz\)](#)